

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Ахборот-таҳлил ва ресурс

маркази бошлиғи

Ш.Қурбонов

2022 йил

**Бино ва иншоотларга коммунал ва эксплуатация хизматларини
кўрсатиш бўйича
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Ушбу техник топшириқ Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази (Бундан кейинги ўринларда Марказ деб аталади) балансидаги Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси 1А-уйда жойлашган жами 6109,24 м² майдондан иборат бўлган бино-иншоотлар ва туташ ер майдонларига коммунал ҳамда жорий таъмирлаш хизматларини кўрсатишни назарда тутлади.

Ушбу хизматлар:

-бино ва иншоотларни кўриқлаш ҳамда тозалигини сақлаш;

-электр ва иссиқлик энергияси, маиший чиқиндилар ва дезинфекция хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш, тўловларни амалга ошириш ва субистеъмолчилар ўртасида тақсимлаш ҳамда таққослаш далолатномаларини расмийлаштириш;

-иссиқлик тармоғи, трансформатор подстанцияси ва электр тармоғи, совуқ сув ва канализация тармоғи, бино ва иншоотлар, умумфойдаланишда бўлган йўлақлар ва туташ майдонларини соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга оширишни ўз ичига олади.

Юқорида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун аниқ вазифалар ҳамда танловда қатнашувчи ташкилотларга қўйиладиган талаблар қуйида келтирилган:

I. Амалга ошириладиган ишларга қўйиладиган талаблар.

1.1 Бино-иншоотлар ҳамда туташ майдонларда фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни амалга ошириш:

1. Туман электр тармоқлари корхонаси билан фойдаланилган электр энергияси тўловлари бўйича шартнома тузиш;
2. Фойдаланилган электр энергияси тўловлари бўйича белгиланган тартибда субистеъмолчилар билан шартнома тузиш;
3. Бинода жойлашган электр ҳисоблагичдан ўтган жами электр энергиясини субистеъмолчилар орасида тақсимлаш;
4. Хар ойда фойдаланилган электр энергияси учун субистеъмолчилардан тўловларни ундириш;

5. Фойдаланилган электр энергияси учун туман электр тармоқлари корхонасига ҳар ойда белгиланган тўловларни амалга ошириш;
6. Ҳар ой якунида кейинги ойнинг 10 санасигача фойдаланилган электр энергияси учун амалга оширилган тўловлар юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси ва субистеъмолчилар билан тузилган таққослаш далолатномаларини Марказга тақдим қилиб бориш.

1.2 Бино-иншоотларда фойдаланилган иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга ошириш:

1. Бинода жойлашган иссиқлик энергияси ҳисоблагич орқали ўтган жами иссиқлик энергиясини субистеъмолчилар орасида тақсимлаш;
2. Туман иссиқлик энергияси таъминоти корхонаси билан фойдаланиладиган иссиқлик энергияси тўловлари бўйича шартнома тузиш;
3. Фойдаланиладиган иссиқлик энергияси тўловлари бўйича белгиланган тартибда субистеъмолчилар билан шартнома тузиш;
4. Фойдаланилган иссиқлик энергияси учун туман иссиқлик энергияси таъминоти корхонаси ҳар ойда белгиланган тўловларни амалга ошириш;
5. Мавсумда ҳар ойда фойдаланилган иссиқлик энергияси учун субистеъмолчилардан тўловларни ундириш;
6. Мавсум якунидан кейинги ойнинг 10 санасигача фойдаланилган иссиқлик энергияси учун амалга оширилган тўловлар туман иссиқлик энергияси таъминоти корхонаси ва субистеъмолчилар билан тузилган таққослаш далолатномаларини Марказга тақдим қилиб бориш.

1.3 Бино-иншоотлар ҳамда туташ майдонларда маиший чиқинди учун тўловларни амалга ошириш ва бошқа хизматларни кўрсатиш:

1. Бино-иншоотлар ва туташ майдонлардан йиғиладиган маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли корхоналар билан шартнома тузиш;
2. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тўловларни субистеъмолчилар орасида тақсимлаш;
3. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича белгиланган тартибда субистеъмолчилар билан шартнома тузиш;
4. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли корхоналарга ҳар ойда белгиланган тўловларни амалга ошириш;
5. Ҳар ойда маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича субистеъмолчилардан тўловларни ундириш;
6. Ҳар ой якунидан кейинги ойнинг 10 санасигача маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича амалга оширилган тўловлар юзасидан тегишли корхона ва субистеъмолчилар билан тузилган таққослаш далолатномаларини Марказга тақдим қилиб бориш.

1.4 Бино-иншоотларни дезинфекция қилиш:

5. Бажарилган ишлар юзасидан далолатномаларни ҳар ой якунида кейинги ойнинг 10 санасигача Марказга тақдим қилиш.

1.9 Умумий фойдаланишда бўлган йўлаклар ва майдонларни сақлаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш:


1. Умумий фойдаланишда бўлган йўллар ва тротуарларни сақлаш ва таъмирлаш;
2. Умумий фойдаланишда бўлган майдонларни ободонлаштириш;
3. Бажарилган ишлар юзасидан далолатномаларни ҳар ой якунида кейинги ойнинг 10 санасигача Марказга тақдим қилиш.

1.10 Бино-иншоотлар ҳамда туташ майдонларни қўриқлаш ҳамда тозалигини сақлаш:

1. Бино-иншоотлар ва туташ майдонларни 24 соат давомида қўриқлаш ишларини ташкил этиш;
2. Бино-иншоотлар ва туташ майдонларни ҳар куни тозалаш ва доимий озода ҳолатда сақлаш.

II. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган техник-квалификацион талаблар

1. Бино ва иншоотларга коммунал ва эксплуатация хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият олиб бориши.
2. Ушбу техник топширикда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун керакли кадрлар ва ишчи ходимлар билан таъминланганлиги.
3. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик ва солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.
4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган бўлиши лозим.

 (А. Норисолятов)

1. Бино-иншоотлар ва туташ майдонларни дезинфекция қилиш бўйича тегишли корхоналар билан шартнома тузиш;
2. Дезинфекция қилиш бўйича тўловларни субистеъмолчилар орасида тақсимлаш;
3. Дезинфекция қилиш бўйича белгиланган тартибда субистеъмолчилар билан шартнома тузиш;
4. Дезинфекция қилиш бўйича тегишли корхоналарга белгиланган тўловларни амалга ошириш;
5. Дезинфекция қилиш бўйича субистеъмолчилардан тўловларни ундириш;
6. Дезинфекция якунида кейинги ойнинг 10 санасигача маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича амалга оширилган тўловлар юзасидан тегишли корхона ва субистеъмолчилар билан тузилган таққослаш далолатномаларини Марказга тақдим қилиб бориш.

1.5 Бино-иншоотлар ҳамда туташ майдонлардаги иссиқлик тармоғини сақлаш ва таъмирлаш:

1. Умумий майдони 6035 м² бўлган 4-қаватли бинонинг метал қувурлар ва иситиш қурилмаларини таъмирлаш ва доимий соз ҳолатда сақлаш;
2. Бажарилган ишлар юзасидан далолатномаларни ҳар ой якунида кейинги ойнинг 10 санасигача Марказга тақдим қилиш.

1.6 Бино-иншоотлар ҳамда туташ майдонлардаги электр тармоғи ва трансформатор подстанциясини сақлаш ва таъмирлаш:

1. Электр тармоқлари ва қурилмаларини таъмирлаш;
2. Трансформатор мойни янгилаш;
3. Электр шитларини янгилаш;
4. Ёритгичларни янгисига алмаштириш;
5. Трансформатор подстанцияси ҳамда электр тармоғини доимий соз ҳолатда сақлаш;
6. Бажарилган ишлар юзасидан далолатномаларни ҳар ой якунида кейинги ойнинг 10 санасигача Марказга тақдим қилиш.

1.7 Бино-иншоотлар ҳамда туташ майдонлардаги совуқ сув ҳамда канализация тармоғини сақлаш ва таъмирлаш:

1. Пластик қувурларни таъмирлаш;
2. Ҳожатхона анжомларини янгилаш;
3. Совуқ сув ҳамда канализация тармоғини доимий соз ҳолатда сақлаш;
4. Бажарилган ишлар юзасидан далолатномаларни ҳар ой якунида кейинги ойнинг 10 санасигача Марказга тақдим қилиш.

1.8 Бино ва иншоотларни сақлаш ва таъмирлаш:

1. Бинонинг умумий фойдаланишда бўлган қисмлари ва фасадини доимий соз ҳолатда сақлаш;
2. Омборхонани таъмирлаш;
3. Бино кириш қисмини таъмирлаш;
4. Марказ билан келишган ҳолда таъмирлаш ва қурилиш ишларини ўтказиш;